

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХУЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА ШУ КҮНЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ҚАТТА ИШЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЁРҲИНИ КЎЗГҮСИ

БУ ЕРДА ЎЗБЕКИСТОН МУЖАССАМ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ўз номи билан республикамиз меҳнаткашларининг барча жаҳонларида эришадиган ютуқларининг кўзгусидир. Бу ерда бўлганларнинг аксарияти кўргазмага баҳо беришар экан, уни жаноки Ўзбекистон дейишади.

Республика меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини қандай амалга оширадиганлигини ёрқин ва ифодали кўрсатиб беришни бош вазифамиз деб биламиз. Ўлкамизда халқ хўжалигининг асосий йўналиши — маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини ривожлантириш, маъжуд хом ашё резервларидан тежаб-тергаб фойдаланиш каби қатор масалалар кўргазма материалларининг асосий мазмунини ташкил этади. Бундан ташқари экспонатларимизда илгор тажрибаларни омалаштириш, социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисида мароқ билан ҳикоя қилинади.

Кўргазмага келадиганлар сони йил сайин ортиб бораётган. Ҳозир йилга ўрта ҳисобда 300 мингдан ортиқ киши экспозицияларимиз билан танишмоқда. Кўргазма ташкил этилган йилдан буён бу ерга келганлар сони 4 миллион кишидан ортиб кетди.

Тошобинларга юксак даражада хизмат кўрсатиш, уларнинг бу ерда ўтган вақтларини сермашун бўлишини таъминлашда Қ. Мажинов, Т. Қосимов, М. Қурбонова, Н. Азизов, А. Бейкум, З. Зокирова, Ф. Нейматуллаева, А. Мирзаев каби ходимларимизнинг хизматлари катта.

Биз республикамиз меҳнаткашлари эришадиган ютуқларини кўргазма экспонатларида кўрсатиш билан бирга мамлакатимиз йиллик шаҳарларида, шунингдек, чет эл мамлакатларида ҳам муваффақиятли намоиш этмоқдамиз. Чунки, ўтган йили СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Йгона оилада» павильонига ташкил этилган «Ўзбекистон ССР» экспозицияси бунга яққол мисол бўла олади. Экспозицияда республикамиз 60 дан ортиқ министрлик ва муассасалари қатнашиб, унда мингдан ортиқ экспонат, макет, диаграмма ва турли схемалар намоиш этилди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қардош халқлар оила-сида яшаб, мана шу оиланинг етакчи фарзанди сифатида эришган ютуқлари ишонarli факт ва рақамларда изоҳланади.

Бундан ташқари Монғолия Халқ Республикасининг Улан-Батор шаҳрида намоиш этилган «Ўзбекистон ССРнинг фан, техника ва экономикаси» Монғолияда ўтган Совет Иттифоқи кунлирига тўғри келди. Улуг Октябрь Социалистик революциясининг 65 йиллиги ва СССР 60 йиллигига бағишланган маъмур кўргазманинг химия саноати, қури-

лиш материали саноати, енгил ва маҳаллий саноат ҳақида ҳикоя қилувчи бўлимлари монгол дўстларимизда гоит катта таассурот қолдирди.

Кўргазмага келадиганларга қулайлик яратиш ҳамда мавжуд экспонатларни ямада яхшироқ намоиш қилиш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Шу мақсадда «СССР халқлари дўстлиги—меҳнатдаги муваффақиятлар гарови» деб номланган ҳибон ташкил этилди. Халқ хўжалигимизнинг турли тармоқларини ўзида акс эттирадиган Бош павильонимиз экспозициялари ёппасига қайта реконструкция қилинди.

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан очилган «Тошкент — республика пойтахти, саноат ва илм маркази, тинчлик ва дўстлик шаҳри» бўлими томошабинларга яхши таассурот қолдирмоқда. Капитал қурилиш павильонига «Маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш қўлқилларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш» деб номланган доимий кўргазма очилиб, унда республикамиз областлари маъмур соҳада амалга оширадиган ишларни намоиш этиш мақсадида икки ойда бир «Область кунлари» ўтказилмоқда.

Кўчма кўргазмалар ташкил этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Айни кунларда пойтахт области шаҳарларида «Табиий ресурслардан унумли фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш» деб номланган кўргазма муваффақият билан намоиш қилинати.

Илмий-техник ҳамада ўқув машғулотлари республикамиз миёсиде тажриба алмашишнинг энг омалобоп воситаси ҳисобланади. Йил бошидан бери турли министрликлар ҳамда муассасалар билан биргаликда ана шундай мазмундаги 74 та учрашув ташкил қилинди. Бундай йиллиқ ишларда халқ хўжалигининг барча тармоқларига алоқадор мутахассислар ўзаро тажриба алмашишди.

Айни кунларда кўргазмада янги павильонлар қуриш ишлари авж олдиюб юборилди. Маъмур қурилиш объектларининг қўлқилиги жонажон шаҳримиз Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейи арафасида топирилади. Реконструкция натижасида кўргазма территорияси яна 7 гектарга кенгайиб, ям-яшил либосга бурканган ҳолда ажойиб ва жозибали бир кўринишга эга бўлади. Коллективимиз шу кунга қадар Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейига бағишланган экспозицияни барча талабаларга жавоб берадиган даражада безатиб, рангли фотосуратлар билан бойитди.

Кўргазмада келувчи меҳмонлар маъмур экспозицияни томоша қилиб шаҳримиз ўрмиши, ҳозирги кун ва келажак ҳақида тўла тасаввур ҳосил қиладилар, деган умиддамиз.

И. АЗИЗОВ.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг директори.

АХБОРОТ МАРКАЗИ

Ахборот маркази 1980 йилда ташкил топди. Бу билан кўргазмадаги ангажия ва пропаганда ишлари янада жонланиб кетди. Павильонлардаги мавжуд 20 мингдан ортиқ экспонатларнинг барчасида тид-таржимонлар тўла ва батасил жавоб бера олмайдилар. Малакали журналистларимиз аса ҳар бир экспонат ҳақида тўла маълумот тўплаб, уларга яқиндан ёрдам бера бошладилар.

Турли саволлар билан мурожаат қилаётган томошабинлар андиқликда аниқ маълумотлар ола бошладилар. Бу маълумотлар ўз навбатида матбуот, радио ва телевидениеда ҳам тез-тез эълон қилиб турилади. Тематик кўргазмаларда намоиш этиладиган экспонатларнинг авторлари билан ўтказилган учрашувлар ҳақидаги йиллик материаллар, уларни ишлаб чиқаришга жорий этилишида ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Муҳбирларимиз республикамизнинг турли областларида бўлиб, кишлоқ хўжалик ходимларининг илгор тажрибалари билан ақиндан танишмоқдалар. Улар кўргазмада ўз ақини топишмоқда.

Бўлимда махсус картотека ташкил қилинган бўлиб, биздаги мавжуд экспонатларнинг ахборот варақалари махсус соҳаларга ажратилиб

сақланмоқда. Ўтган йили республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳалари ҳақида ҳикоя қилувчи «Совет Ўзбекистони» деб номланган брошюра «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди.

Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейи ҳақидаги кўргазма муносабати билан катор телевизион кўрсатувлар таъйинланмоқда. Радио орқали ҳар ҳафтада кўргазма фаолияти билан республика меҳнаткашларини таништиришмоқдамиз. Бундан ташқари биз маҳаллий радиомизни ранг-баранг материаллар билан таъминлаб турамиз ва у орқали мутахассисларнинг чиқишларини ташкил этмоқдамиз.

М. ОТАБЕКОВА, кўргазма ахборот марказининг бошлиғи.

КЕЧА...

1964 йили Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ташкил қилинди. Шу йиллик кўргазманинг бош ва тематик павильони, кино-лекторийси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бош павильон экспозициялари 2 минг квадрат метр кайдонда жойлаштирилиб, республика халқ хўжалигининг барча тармоқларини ўзида муассасалаштирганди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш кераки, бўлимларда ёритилаётган мазму ва актуал масалалар асосан қора-оқ фотосуратларда гавдаланиб, ҳақиқий экспонатлар аса бармоқ билан санарли даражада эди. Кўргазманинг умумий майдони 5 гектар бў-

либ, экспозиция билан танишувчи ва дам олувчилар сони ҳам оз эди.

1974 йили «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғининг майдони кўргазма маъмурияти иштирокида берилди. Ундан дам олиш зонаси сифатида фойдаланила бошланди. 1978 йил кимёгарларнинг халқаро симпозиумига бағишланб «Полмерлар химияси-78» деб номланган янги павильон очилиб, унда жаҳоннинг 70 мамлакатидан келган мутахассислар ўз ютуқларини намоиш этишди.

1979 йилдан бошлаб кўргазмада янги — тармоқ павильонлари қурилиши авж олдириб юборилди.

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР ДАФТАРИДАН

СОВЕТ Иттифоқини зиёрат қилиш программасига мувофиқ Тошкентга келдим ва Ўзбекистон ютуқларининг намоишхонасида бўлдим. Бу ерда ўзбекларнинг ўз меҳнатлари натижасида қўлга киритаётган улкан ютуқларини кўрдим. Отабобларимнинг қадим Ватани бўлиши бу дийр кишиларнинг ҳозирги тараққиётини кўриб ниҳоятда қувондим. Мени ҳаяжонлантирган кўргазма ҳамда ўзбеклар диёридаги дўстона учрашувлар ҳақида, албатта ватандошларимга сўзлаб берман. Тапанкур!

Аҳмад АЗИЗ, Афғонистон Демократик Республикаси.

СОЦИАЛИЗМ халққа қандай неъматлар нийом этишининг яна бир бор гувоҳи бўлди. Халқ хўжалигининг барча соҳасидаги ютуқларининг чексиз. Ўзбекистон Осиё ва Африка халқлари учун намунадир. Биз «Япасин, социализм!» деганда фақатгина ширини ташунаймиз. Бу сўзлар назария ва амалиётда тасдиқлангандир.

Мейер ВИЛРИЕР, Иерон коммунист партияси аъзоси.

КўРГАЗМА павильонларида бўлиб, Совет ҳокимияти йилларида республика халқ хўжалигининг шу қадар ривожланганлигини ҳайрат билан томоша қилдим. Ўзбек халқининг улугвор вазифаларини ўзида мужасамлаштирувчи шундай бир ажойиб, ранг-баранг экспозициялар яратилгани, бунинг учун Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ходимларига катта раҳмат деймиз.

Мария ТАШНОВА, Болгария Халқ Республикасида келган туристик гуруҳа раҳбари.

МЕХНАТГА ЯРАША МУКОФОТ

Ҳар йили халқ хўжалигининг турли тармоқларида юқори кўрсаткичларга эришган меҳнаткашлар кўргазманинг дипломлари ва кимматбаҳо совғалари билан мукофотландилар.

Бўлимимизнинг асосий вазифаси меҳнат кўрсаткичларини пухта ўрганиб халқ хўжалиги илгорларини сарашлаш ва уларни мукофотлашдан иборат. Ўтган 1982 йил СССР Озиқ-овқат программасини амалга ошира болиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритган бир қатор кишлоқ хўжалиги илгорлари «Москвич-412» аравачи мотоцикллари, рангли ва оқ-қора тасвирли телевидение қимматбаҳо совғалар ажратганини, Илгорларни кўргазмаимизнинг махсус совринлари ва дипломлари ҳам кутмоқда.

Илгорлар сафи йил сайин ортиб бормоқда. Кўргазма маъмурияти ҳар бир ишчи ва деҳқонни меҳнатига яраша тақдирлаш тадбирчораларини кўраётган. Бу йил республикамизнинг илгор меҳнаткашларидан катта бир гуруҳини мукофотлаш учун «Москвич» енгил автомашинаси, 12 та аравачили мотоцикл, 20 та рангли ва шунча оқ-қора тасвирли телевизор, 20 та радиоприёмник ва бошқа қимматбаҳо совғалар ажратилди. Илгорларни кўргазмаимизнинг махсус совринлари ва дипломлари ҳам кутмоқда.

Мукофотланганлар партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликларидан чексиз миннатдорликларини изҳор этиб, келгусида янги марраларни эгаллашга сўз беришади.

Илгорлар сафи йил сайин ортиб бормоқда. Кўргазма маъмурияти ҳар бир ишчи ва деҳқонни меҳнатига яраша тақдирлаш тадбирчораларини кўраётган.

Бу йил республикамизнинг илгор меҳнаткашларидан катта бир гуруҳини мукофотлаш учун «Москвич» енгил автомашинаси, 12 та аравачили мотоцикл, 20 та рангли ва шунча оқ-қора тасвирли телевизор, 20 та радиоприёмник ва бошқа қимматбаҳо совғалар ажратилди. Илгорларни кўргазмаимизнинг махсус совринлари ва дипломлари ҳам кутмоқда.

С. УСМОНОВА, кўргазма мукофотлаш бўлимининг бошлиғи.

АЛОҚАМИЗ МУСТАҲКАМ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси республикамиз барча тармоқларида илгор тажриба-лар, янги иш услубларининг актив пропаганда-дир. Маъмур экспозицияларини яратиш, уларнинг тематик планларини тузиш, ишлаб чиқариш корхоналари билан узвий алоқада бўлиб, янгиликларни топиш, уларни намунали тарзда намоиш этиш вазифаси «Методика» бўлимининг зиммасига юклангандир.

Ўтган йиллар мобайнида методистларимиз томошанинг кўпгина кўчма ва тематик кўргазмалар, доимий намоиш этилувчи экспозициялар ташкил қилинди. Биз келгусида «Халқаро кўргазмалар» дирекцияси ташкил этишни режалаштирмоқдамиз. Бу ерда экспонатлар системалаштирилиб, чет элларда намоиш қилиш учун жўнатилди.

Айни кунларда биз Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейига бағишланган «Қадимий ва навқирон», «Юбилей белгиси сувенир ва халқ истеъмоли учун зарур бўлган товарлар» кўргазмаси, полицилар ва халқ амалии санъати усталарининг маҳсулотларини намоиш этувчи кўриш-кўрсаткич таъйинланди.

Кишлоқ хўжалик павильонини методистлари шу йилнинг ноябрь ойида СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган «Ўзбекистон ССР агросаноат комплекси» экспозициясини ранг-баранг материал ва экспонатлар билан бойитиш мақсадида меҳнат қилмоқдалар. Келгуси йил павильонларимизнинг сони ортади. Шу мақсадда методистларимиз бу павильонларда яратилажак экспозициялар учун ҳозирлаш зарур материаллар тўплаш ишларига киришдилар.

М. СЛЕПАКОВА, кўргазма бош методисти.

ЭРТАГА...

Шу кунларда кўргазмада олиб бориладиган қурилиш ишлари билан танишган киши унинг келажакдаги яққол кўз олдида келтиради. Асосий қириш йўли СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги каби салобатли кўринишга эга бўлади. Йўлакдан кириб «Халқлар дўстлиги» аркидан ўтган киши чап томонда республика халқ хўжалиги илгорлари «Хурмат тاختаси» билан танишади. Реконструкция қилинган Бош павильон ўзининг безаклари билан томошабин эътиборини дарҳол жалб этади. Унинг экспозиция майдони 4100 квадрат метрга кенгайди. Ён атроф кўкаламзорлаштирилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси биринчи сентябргача ниҳоясига етказилади.

«Ирригаторларнинг техника ўқуви уйи» павильони қурилиш жадал суръатлар билан олиб борилади. Республика Сув хўжалиги министрлиги кўраётган маъмур павильон Анҳорнинг чап қирғоғига жойлашади.

«Қурилиш» павильони қад кўтарди. Бунёдкорлик ишлари «Главташкентстройга» қарашли 68-қурилиш бошқармаси коллективи бажаряпти. Ўлкамизда қурилиш тараққиётини акс эттирувчи экспозиция майдони 2700 квадрат метрни ташкил этади.

«Пахтачилик» павильонини қурилиш жиҳатида Иттифоқимизда ягона бўлади. Булардан ташқари кўл бўйида 100 ўринли замонавий ресторан қад кўтармоқда. Ўзбек миллии сувенирлари билан савдо қилувчи магазин, яна 5 та турли савдо шохбчалари ишга туширилди.

Орадан ўтган салкам 20 йил вақт ичида экспозицияларимиз жуذا кенгайиб, эҳсурия темаларининг мазмунини ҳам ранг-баранг бўлиб борди. Эҳсурия хизматига бўлган талаб ва эҳтиёж ошди. Шунинг учун 1978 йили

БИР НЕЧА ТИЛДА

Янги ишга келган вақтларимиз яхши эслайман. Ўшанда эҳсуриялар фақат Бош павильонда ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган эди. Биз гид-таржимонлар 5 киши бўлиб, ҳар биримиз кунига 4—5 тадан эҳсурияга раҳбарлик қилардик. Кўргазма экспонатлари билан йил давомида 10 мингга яқин томошабин танишарди, ҳоло.

Эндиликда эҳсуриялар немис, инглиз, француз, испан тилларида ҳам олиб бориладиган бўлди. Ҳамкасбларимизнинг ҳар бири ҳозир уч тилда бемалол эҳсурияводлик қила олади, йилга ўртача 300 дан ортиқ гуруҳга хизмат кўрсатади.

Ҳамкасбларимиз республика бўйлаб ташкил этиладиган кўчма кўргазмаларда, шунингдек, Сурия, Поляна, Туркия, Мексика, Монголия, Марокко, Ироқ, ГДР каби мамлакатларда ўтказиладиган халқаро кўргазмаларда ҳам республикамизда эришилётган ютуқларини на-

моиш қилишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Ягона оилада» павильонига ташкил этилган «Ўзбекистон ССР» экспозицияси билан томошабинларни таништириш жараёнида Ш. Назарова, М. Ҳамрохўжаевалар бир неча тилларда сўхбатлар олиб боришди. Уларнинг маҳоратига қўнчилик юқори баҳо берди.

Э. ЗОКИРОВА, гид-таржимон.

М. СЛЕПАКОВА, кўргазма бош методисти.

Редатор Н. НАСИМОВ.



Суратда: кўргазма залларидан бирида.

